



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 146 (12.207)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Таъкидлансинки, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим тизимининг барча турларини, жумладан, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадли кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш умумий давлат дастурини муваффақиятли амалга ошириш натижасида таълим жараёнининг барча босқичларини қамраб олувчи, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозланган умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларидан иборат, юқори талабларга жавоб берувчи узлуксиз таълимнинг яхлит тизими яратилди.

Олий таълимнинг замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган икки босқичли тизими – бакалаврият ва магистратура яратилди. Стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институтлари жорий қилинди, уларни моддий рағбатлантириш шароитлари сезиларли даражада яхшиланди.

Шунинг билан бирга, амалдаги олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган таълим тизимидаги ўзгаришларнинг мантӣқий давоми сифатида тубдан ислоҳ қилиш объектив зарурияти бугунги кунда яққол намоён бўлди.

Илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг амалдаги икки босқичли тизими (фан номзоди ва фан доктори) иқтисодий ривожланган демократик мамлакатларда қабул қилинган олий малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг замонавий, халқаро тан олинган талабларига мос келмайд.

Номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш ва фан номзоди илмий даражасини тасдиқловчи дипломини олиш кўп ҳолларда фан ва илмий-техникавий ривожланиш манфаатларидан йироқ бирдан-бир мақсад бўлиб қолган ҳамда диссертацияни тайёрлаш ва ҳимоя қилишнинг турли босқичларида суистеъмолчилик ҳолатларига олиб келмоқда.

Бугунги кунда амал қилаётган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизими таълим жараёни бакалаврият ва магистратура стандартларига ўтказилгандан сўнг номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш моҳиятдан эканлигини кўрсатмоқда ҳамда фан доктори илмий даражасини олиш учун тўғридан тўғри диссертацияни ҳимоя қилишни назарда тутувчи олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор вазибаларини ва мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ва демократик ислохотларни, илғор жаҳон тажрибаси ва илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг халқаро стандартларини ҳисобга олган ҳолда олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, шунингдек, диссертация тадқиқотларининг сифатини, илмий ва амалий аҳамиятини ошириш, ёшларнинг иқидий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишига шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (кейинги ўринларда – ОАК), Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вази́рлиги, тасарруфида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари мавжуд бўлган бошқа вази́рлик ва идораларнинг 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб:

умум қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш;

стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтини бекор қилиш, унда таълим олаётган шахсларни олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимининг янги талабларига мувофиқ, уларни аттестациядан ўтказиш ва диссертация тадқиқотлари мавзуларини танқидий қайта кўриб чиқиш асосида катта илмий ходим-изланувчилар институтига ўтказиш тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин.

2. Белгилансинки: илмий даражаси «магистр» даражаси билан олий маълумотга эга бўлган, катта илмий ходим-изланувчилар институтига илмий изланишлар натижаларига кўра докторлик диссертациясини ҳимоя қилган шахсларга тегишли фан йўналиши бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар томонидан берилади;

(Давоми 2-бетда)

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## БЕКТЕМИР ТУМАНИ: РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



**Жаннатмонанд юртимиз Ўзбекистонда Энг азиз ва улғу байрам шодибаси – мустақиллигимизнинг 21 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Ўтган йиллар мобайнида пойтахтимиз Тошкент мисли кўрилмаган ўзгаришлар, янгиликларга юз тутди. Кўпгаб замонавий бинолар, таълим даргоҳлари, йирик савдо мажмуалари ва шу каби бошқа иншоотлар қад ростлади. Кўчаларимиз йўллари таъмирланиб, шаҳримиз кўрkingа кўрк қўшилди.**

Келинг, ана шу хайрли ўзгаришларни Бектемир тумани мисолида кўриб чиқамиз. Мазкур туман 1990 йил 27 февралдан бошлаб Бектемир тумани номи билан аталди. Умумий ер майдони 2050 га.ни ташкил этувчи туманда айни дамда 30 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Тумандаги мавжуд 187 та кўп қаватли уйларга 39 та хусусий уй-жой ширкатлари хизмат кўрсатади. 2012-2013 йилги куз-қиш мавсумини беталафот, кўнгида-гидек ўтказиш мақсадида ҳар бир ширкат Давлат дастури доирасида белгиланган вазибаларни бажариб келмоқда.

Жумладан, кўп қаватли уйлاردан 4 тасининг 104 кв.м том қисми, 500 кв.м шиферли, қўшимча 3000 кв.м юмшоқ том қисмлари капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди. Ҳозирги кунда муддат келган 120 та кўп қаватли уйлاردан 106 тасининг иссиқлик тизими босим остида ювилди, 162 та кўп қаватли уйлар профилактика таъмирдан чиқди, ертўлалардаги 1364 п/м элеватор узел трубалари таъмирланди. Мазкур ишларни бажариш учун ҳомий ташкилотлар томонидан жами 48 млн 495,3 минг сўмлик маблағ сарфланди. Совуқ сув ва канализация тизими таъмирланиши режалаштирилган 7 та кўп қаватли уйдан ҳозирда 3 таси таъмирдан чиқди. Электр ва иссиқлик таъминоти, газ тармоқлари кўздан кечирилиб, камчиликлар бартараф этилди. Бунга жавобан туман аҳолиси ҳашар кунларида ободон-

лаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, туман ҳудудидаги 115 та кўп қаватли уйлارнинг олди томонига 920 та дарахт, 2950 та гул кўчатлари экилгани кўчаларга ўзгача тароват бағишлаётир.

Ўтган йили қиш мавсумининг қаттиқ келгани боис йўللарда кўплаб ўйиқлар пайдо бўлди. Шу боис жорий йилда таъмирланиши режалаштирилган 10 минг кв.м. кўча йўлларида 6 минг кв.м.га асфальт қопламаси ётқизилди.

Жойлардаги 233 та саноат, рўйхатдан ўтган 66 қўшма, 44 та транспорт корхоналари туман иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Туманда тадбиркорлик соҳаси анча ривожланганини ҳудудда 692 та кичик бизнес субъектлари ҳамда 320 та чакана савдо шохбчалари мавжудлигидан ҳам билиш мумкин.

Аҳолининг ёш қатламига туманда 12 та МТМ, 5 та умумтаълим, 2 та спорт, 1 та мусиқий мактаб, 1 та коллеж хизмат кўрсатади. Айтиш жоизки, сўнгги йилларда давлатимиз томонидан ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу йўлда ёш авлодининг сифатли билим олиши учун бир қанча таълим даргоҳлари қурилиши бошланган. Туман микёсида кўриб чиқадиган бўлсақ, 2012 йилги Давлат инвестицияси дастурига асосан

тумандаги Оҳангарон шох кўчасида умумий ер майдони 2,29 га., қурилиш майдони 1,17 га. бўлган Губкин номидаги академик лицейни мисол қилиб келтириш мумкин. Келажакда 360 нафар ёшларга билим улашиши мўлжалланаётган ушбу даргоҳнинг тахминий смета баҳоси 23-25 млрд. сўмни ташкил этади. Шунингдек, «Сувчи» даҳасида қурилаётган Болалар мусиқа мактабини кўрган, ҳудудда истиқомат қилувчи ота-оналар ҳозирдан фарзандларини шу ерда ўқитиши дилларига тугиб қўйган бўлса, не ажаб. Мазкур мактаб қурилиши учун жами 1 млрд 250 млн. сўм сарфланиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар 669 млн.сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди.

Айни дамда Бектемир туманида 1 та стадион, 2 та спорт мажмуаси ҳамда 9 та спорт заллари ёшларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, яқин кунларда мазкур ҳудудда барча талабларга жавоб берувчи ёпиқ турдаги сув хавзаси қурилиши режалаштирилмоқда. Тумандаги 2 мингга яқин ёшлар ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, спортнинг у ёки бу тури билан шуғулланиб келмоқда. Шундан 700 нафардан ортигини қиз болалар ташкил этади. Албатта бу каби имкониятлар ёшларни ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб етишишига хизмат қилади.

(Бектемир туманига бағишланган материаллар билан газетамизнинг 3-саҳифасида танишасиз)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Навоийда жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда галдаги муҳим вазибаларга бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.
- Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.
- Фарғона вилояти Кува тумани ички ишлар бўлими паспорт бўлинмасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.
- «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида ўтказилаётган компьютер ўйинлари мусобақасининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.
- Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги «Бўстон чинниси» хусусий корхонасида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Пахта гулли коса, чойнак ва пиёлалар билан бирга кулай ва бежирим ликопчалар, товоқлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Кўшимча иш ўринлари яратилди.
- Самарқанд шаҳридаги «Чорсу» тасвирий санъат галереясида «Самарқандда ёз ифори» деб номланган кўргазма иш бошлади.
- Нукус шаҳридаги «Сарсенби Нукус» масъулияти чекланган жамияти қошида қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий технология ишга туширилди. Бунинг учун банкнинг 100 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди. Натижада касб-хунар коллежларини битирган олти нафар ўғил-қиз доимий иш билан таъминланди.

## ЖАҲОНДА

- Буюк Британия ҳукумати томонидан яқинда кунлари мамлакат савдо мажмуалари ва дўконларининг ишлаш вақтини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди. «Олимпиада – 2012» муносабати билан қабул қилинган ушбу ҳужжатга мувофиқ, мамлакатдаги дўконларнинг иш вақти 9 сентябрга қадар умуман чегараланмайди.
- Испанияда сўнгги йилга беш йил ичидаги энг йирик ўрмон ёнғинлари кузатилмоқда. Табиий офатга қарши курашиш мақсадида 20 та махсус самолёт ҳамда вертолёт, юзлаб ўт ўчирувчилар, шунингдек, 200 нафар ҳарбий хизматчи сафарбар этилган бўлсада, ҳозирча қутилган натижага эришилмади. Ёнғин оқибатида тўрт киши ҳаётдан кўз юмган, 13 минг гектар майдонга зарар етган.
- Хитойнинг «PetroChina», Малайзиянинг «Petronas» ва Франциянинг «Total» нефть компаниялари консорциуми Ироқ жанубидаги Халфайа ҳудудида янги нефть қонидан «қора олтин» казиб олишни бошлади. Мазкур янги қонда бир кеча-кундузда 100 минг баррел нефть казиб олинмоқда.
- Англиялик олимлар олиб борган тадқиқот натижасида қуёшдан муҳофазатловчи арзон ва сифатсиз кўрсатиши аниқланди. Маълумотларга кўра, бундай кўзойнақларнинг линзалари остидан нур бир хилда ўтмайди, улар ультратрабунафа нурларидан ҳам ҳимоя қила олмайди. Бундай ҳолат кўриш қобилиятига салбий таъсир кўрсатиб, астигматизм хасталигига олиб келиши мумкин.

## ҚИСҚА САТРАЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** «Камолот» ЁИХ Чилонғур туман Кенгаши ташаббуси билан туманда жойлашган

«Олмазор» маҳалласида истиқомат қилаётган кам таъминланган оила фарзандлари учун «Компьютер саводхонлиги» ўқув машғулоти ташкил этилади.

✓ **ХАМЗА** туманидаги «Тенг-

дош» маданият уйи бошчилигида «Алоқачи» ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Оромгоҳ бағрида» мавзуида адабий кеча ва концерт дастури ўтказилади.

✓ **КЕЧА** Маънавият тарғибот маркази Олмазор тумани бўлими томонидан туманда жойлашган 165-мактабда мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишланган маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

катта илмий ходим-изланувчилар институтига «магистр» даражаси бўлган, илмий ва илмий-педагогик фаолият стажига (2 йилдан кам бўлмаган), шунингдек, фан номзоди илмий даражасига эга бўлган, фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асос бўлиши мумкин бўлган, маълум бир илмий натижаларни қўлга киритган (илмий мақолалар нашр этиш, илмий анжуманлар, семинарлар ва давра суҳбатларида иштирок этиш ва бошқалар) шахслар қабул қилинади;

ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчи сифатида расмийлаштирилган, «бакалавр» ёки «магистр» даражаси билан олий маълумотга, 3 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган, илмий изланишларга лаёқати мавжуд, белгиланган талабларга мос келадиган маълум бир илмий ютуқларга (ихтиро учун патентлар, илмий мақолалар, илмий-технологик ишланмаларда қатнашиш ва бошқалар) эга бўлган шахсларга ҳам докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга рухсат берилди.

3. Амалда мавжуд бўлган норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ илмий даражалар бериш бўйича мавжуд ихтисослашган кенгашларга 2012 йилнинг охирига қадар 2012 йил 1 июлгача ОАК веб-сайтида диссертация ишлари ҳимоялари ҳақида эълон қилинган тадқиқотчиларга фан номзоди ва фан доктори илмий даражаларини бериш бўйича ишларни кўриб чиқишга рухсат берилсин.

4. Қуйидагилар: фан номзоди илмий даражасига эга бўлган барча шахслар учун тегишли имтиёзлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган молиявий тўловлар миқдори;

профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларини бериш сақлаб қолинсин. Бунда, аттестация ишлари кўриб чиқиш учун 2012 йилнинг 1 июлгача ОАКга тақдим этилган шахс-

ларга илмий унвонлар амалда мавжуд бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ берилиши белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий аттестация комиссияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Фанлар академияси ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар:

икки ой муддатда, халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўйича фан йўналишлари ва ихтисосликлар шифрларининг янги рўйхатини ўрнатилган тартибда тасдиқласинлар;

2012 йилнинг 1 ноябргача илмий даражалар бериш бўйича амалдаги ихтисослашган кенгашларни чуқур таҳлил қилиб, фан йўналишлари ва ихтисосликларнинг янги рўйхатини ҳисобга олган ҳолда мамлакатнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида тегишли фан йўналишлари бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар тузишга оид тегишли қарор қабул қилсинлар;

2012 йилнинг 1 ноябргача фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгаш тўғрисидаги Низом ва фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги Низом ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддат ичида мазкур Фармоннинг ижроси бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи тегишли Ҳуқумат қарорини қабул қилсин:

умум қабул қилинган халқаро стандартларга мувофиқ «магистр» даражасини бериш бўйича диссертация иши мазмуни ва сифатига қўйиладиган янги мезонлар ва талаблар ишлаб чиқиш;

халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш, докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш,

профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларини олиш учун қўйиладиган янги талаблар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ҳимоя қилинаётган диссертациялар, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш амалиётини жорий этиш;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг фаолиятида очкилик ва шаффофликни таъминлаб, ортиқча бюрократик жараёнларни йўқотиш, янги талабларни ҳисобга олган ҳолда унинг тузилмасини оптималлаштириш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш.

7. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси икки ой муддат ичида талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш бўйича тест ўтказишни назарда тутган ҳолда, фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотлари илмий мавзуларини рўйхатдан ўтказиш талабларини кучайтириш мақсадида амалдаги барча меъёрларни қайта кўриб чиқсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.А.Мухиддинов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2012 йил 24 июль

Яқинда Швейцарияда нашр қилинадиган «GNI» газетасида «Кийёс йўқ мовий шаҳарлар. Ўзбекистон: Марко Поло учун Самарқанд, Бухоро ва Хива дунёнинг энг гўзал шаҳарлари бўлган» сарлавҳали мақола чоп этилди. Журналист С.Род қаламига мансуб мазкур мақолада юртимиз бағрида жойлашган тарихий меъморий обидалар ҳамда мамлакатимизнинг бой сайёҳлик салоҳияти қаламга олинган.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРИ ШВЕЙЦАРИЯ МАТБУОТИ НИГОҲИДА

Ранг-баранг суратлар билан бирга эълон қилинган ушбу мақолада Самарқанд, Бухоро, Хива сингари Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларида қад кўтарган энг машҳур меъморий ёдгорликлар ва тарихий обидаларнинг тавсифи келтирилган.

Муаллиф Ўзбекистон Осиёни Европа билан боғлаган қадимий Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашганини алоҳида таъкидлайди. Қўхна ва ҳамшира навҳирон Самарқандни тасвирлар экан, С.Род унинг ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлар сафидан жой олганини швейцариялик газетчиликларга маълум қилади. «Буюк Ипак йўлидаги географик жойлашуви туйғайли Самарқанд доимо раванқ топган шаҳар бўлиб келган. Кўп асрлар мобайнида ушбу замин илм, маданият маркази, динлар уйғунлашиб кетган макон бўлиб, бу ерда буюк олим ва мутафаккирлар ижод қилганлар. Маҳобатли гумбазлар, минораларнинг ажойиб меъморий кўриниши Самарқандни дунёнинг буюк шаҳри, барча замонларда ушбу заминга келган жаҳонгирларни ҳайратда қолдирган заминга айлантди», деб ёзади муаллиф.

Замонавий Самарқандга тўғталар экан, С.Род ҳозирги вақтда мазкур шаҳар энг жозибador сайёҳлик йўналишларидан бири эканлигини алоҳида қайд этади. «Регистон майдони, Бибиҳоним масжиди ва бошқа ажойиб

меъморий иншоотлар сайёҳларни мафтун қилаётир».

«Хушмуомала бухороликлар очиккўнгиллик билан бизга тарихий обидаларни кўрсатишади, Шуниси ҳайратланарлики, мазкур обидалар сўнгги икки аср мобайнида деярли ўзгармаган. Ушбу шаҳар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган бўлиб, унинг марказида қадимий масжид ва мадрасадан иборат маҳобатли қалъа жойлашган. Бундан ташқари, Бухорода XII асрда Осиёнинг энг баянли иншооти саналган, баландлиги 47 метр бўлган Минораи Калон ва шаҳарнинг энг қўхна биноси бўлиши Исмоил Сомоний мақбарасига кўзингиз тушади», деб ёзади С.Род.

Хива шаҳри ҳам мазкур мақолада ўзининг озодалиги ва гўзаллиги билан инсонни ҳайратга солувчи «ложувард шаҳар» сифатида эътироф этилади. «Ушбу шаҳарнинг қадимий меъморчилиги, – деб ёзади муаллиф, – тасвирлаб бўлмас завқшавқ уйғотади, ўзингизни шаҳар кўчалари ва бозорларида дунёнинг барча нуқталаридан келган савдогарлар ва сайёҳчиларни учратиш мумкин бўлган Буюк Ипак йўли даврига тушиб қолгандай ҳис қиласиз».

Шунингдек, мақолада европалик сайёҳлар учун Ўзбекистонга сайёҳларни амалга ошириш имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам ўз аксини топган.

«Жаҳон» АА Женева

Анжуманда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Сасол» компанияси (Жанубий Африка Республикаси) вакиллари, хорижлик мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида иқтисодийни диверсификация ва модернизация қилиш, импорт ўрнини босувчи товарлар ҳамда юқори технологияли ва рақобатбардор экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва кенгайтириш борасида улкан муваффақиятларга эришди. Нефть-газ соҳасида нафақат қазиб олиш ва хомашё экспорт қилиш ҳажмларини ошириш, айни пайтда уларни қайта ишлашдан олиннадиган маҳсулотлар улушини ва турини кўпайтиришга устувор аҳамият берилмоқда. Углеводород захираларини чуқур қайта ишлашга ихтисослашган мажмуаларни барпо этишга қаратилган стратегия самарасида мамлакатимизда илгор технологияларга асосланган нефть ва газ кийёси саноати шакллантирилди. Бугунги кунда ушбу соҳа жадал ривожланмоқда.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси Жанубий Африка Республикасининг «Сасол» компанияси ва Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси билан ҳамкорликда Шўртан газ-кимё мажмуасида ишлаб чиқариладиган метан газидан синтетик суяқ ёнилиги (GTL) ишлаб чиқариладиган завод қуриш бўйича йирик қўшма лойиҳани амалга оширмоқда.

Маросимда «Сасол» компанияси президенти Дэвид Констебл Ўзбекистонда иқтисодийни эркинлаштириш ва янада ривожлантиришга хизмат қиладиган қулай сармоявий муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратиладиганини таъкидлади. Нефть-газ саноатининг янги иншоотларини барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш ишлари жадал давом этаётганига юксак баҳо берди.

«OLTIN YO`L GTL» ТАҚДИМОТИ

«Ўзэкспомарказ»да 23 июль кунини мамлакатимизда синтетик суяқ ёнилиги ишлаб чиқариладиган «Ўзбекистон GTL» қўшма корхонаси – «Oltin yo`l GTL» брендининг расмий тақдимоти бағишланган маросим бўлди.



Жаҳшид Норқобилов (ЎзА) олган сурат

«Ўзэкспомарказ»даги тадбир иштирокчилари билан Қашқадарё вилоятида GTL заводи барпо этилиши белгиланган майдонда йиғилган Шўртан газ-кимё мажмуаси ва «Ўзбекистон GTL» қўшма корхонаси раҳбарлари ва мутахассислари ўртасида тўғридан-тўғри телекўприк ўрнатилди.

Завод иншоотларига пойдевор қўйиш маросими бошланиши эълон қилинади. Эсдалик капсуласи иншоот пойдеворида жойланади.

Лойиҳани амалга ошираётган «Ўзбекистон GTL» қўшма корхонасининг бу жараёни лойиҳалаш, муҳандислик ва қурилиш ишлари, техник хизмат кўрсатиш, техника хавфсизлиги ва атроф-муҳитни му-

ҳофаза қилиш борасидаги халқаро меъёрлар ва стандартлар талабларига мос тарзда амалга ошириши белгиланган. Мазкур заводнинг ишга туширилиши табиий газни чуқур қайта ишлаш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ёнилиги сифатини яхшилаш имконини беради.

Мазкур лойиҳа мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, соҳада профессионал кадрларнинг сифат жиҳатдан янги авлоди шаклланишига хизмат қилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтига иккита «Мицубиси» автомобили тақдим этилди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

АҚШнинг Тошкентдаги элчихонаси матбуот хизмати маълумотларига кўра, «Мицубиси» автомобиллари «Экспорт назорати ва чегаралар хавфсизлиги (EXBS)» дастури доирасида сотиб олинди. Мазкур автомобиллар Ўзбекистон Республикасининг 33 та чегара пунктларида ўрнатилган радиация портал мониторингларига (РПМ) хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи Ядро физикаси институтини таъминлашга тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтини директорини Умар Солихбоевнинг таъкидлашича, бу автомобиллар радиация портал мониторингларига хизмат кўрсатиш ишлари, чегара пунктларидаги таъмирлаш

ва хизмат кўрсатиш ишларини бажариш бўйича тежор сафарлар учун мўлжалланган.

АҚШ Давлат департаменти томонидан амалга оширилаётган «Экспорт назорати ва чегаралар хавфсизлиги» дастури оммавий қирғин қуроли тарқалишининг олдини олиш, қуролланишлар билан боғлиқ етказиб бериш тизимларини барта-раф этишга қаратилган.

EXBS дастури 2000 йил апрелидан бошлаб амалга оширила бошланган. Бу давр мобайнида Ўзбекистон ҳукуматига қиймати 20 млн. АҚШ долларидан зиёд ускуналар тақдим этилди ва мутахассислар ўқитилди.

«Туркистон-пресс»

«Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун баракка кўтарилади», дейди халқимиз. Дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган нотинчликлар, хунрезликларни, бегуноҳ инсонлар, айниқса, болалар умрига зомин бўлаётган қонли тўқнашуларни, вайронагарчилик ва иқтисодий таназзулга юз тутаётган мамлакатларни кўриб, ушбу нақлнинг ҳикматини янада чуқурроқ англаймиз. Шундай тинч, осуда, фаровон юртда яшаётганимизга шукроналар келтирамиз.

Президентимиз Ислам Каримов таъбири билан айтганда, биз учун, юртимиз учун тинчлик ва осойишталик ҳамма нарсадан қадридон. Ҳар қайси миллат ва халқ учун муқаддас саждагоҳ бўлиши Ватанин қадрлаш, унинг эркинлиги ва озолигини ҳимоялаш, бу йўлда керак бўлса, жон фидо қилиш – шу юртининг жасур ўғлонлари, ўзини эр билган инсонлар учун азалдан ор-номус ва мардлик иши бўлиб келган.

Йигирма бир йил давомида эришган оламшумул ютуқларимизда, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчлик-осойишталик, ҳуқуқ-тартибот, қонун устуворлигини таъминлашда, фарзандларимизни беҳавотир камолга етказишда, маҳалла ва оилаларимизда – жамиятимизда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлашда ички ишлар идоралари, ҳусусан патруль-пост хизмати бўлинималарида фаолият олиб бораётган фидойи инсонларнинг нуносиб ҳиссаси бор.

Истиклолнинг дастлабки йилларида таърихга тарихида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тарихида Патруль-пост хизмати бригадаси ташкил этилган. Милиция таъин пунктларига бириктирилган мазкур бригада гуруҳлари пойтахтимиздаги маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш билан шуғулланди. Ҳар йили тўла оқлаган ушбу таърихга кейинча-

ХАВФСИЗЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ИШОНЧЛИ ҚўЛЛАРДА

лик, давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 27 мартда қабул қилинган фармони асосида, мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам кенг жорий этила бошланди.

Шу тариха Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бир неча бўлимини ўз ичига олган Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасига айлантирилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда унинг тузилмалари ташкил этилди.

Амалга оширилган ислохотлар натижасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг самарали тизими яратилди. Патруль-пост бўлинималари юқори жанговар тайёргарликка эга, замонавий техника ва транспорт воситалари билан тўла таъминланди. Кўчалар ва жамоат жойларида жиноят содир этиш ҳоллари кескин камайди. Патруль-пост нарядлари томонидан ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни фош этиш даражаси ошди. Йирик маданий ва оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлиги ишончли таъминланди.

Жамоат тартибини сақлаш бошқармаси тарихидаги саф бўлинималарини худудий мувофиқлаштириш ва жамоат тартибини таъминлаш бўлими мамлакатимизнинг йирик шаҳарларидаги саф бўлинималарига ва оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида хавфсизлигини таъминлашни ташкил этишга раҳбарлик қилади. Бўлим ходимлари минтақаларда қримон-онга вазиятларни, жиноятчиликнинг аҳолининг ўрганиши орқали жиноятга олиб келувчи омилиларни таҳлил қилади. Патруль-пост хизмати бўлинималарининг фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 октябрда қабул қилинган қарорига мувофиқ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси тарихида хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарини кўриқлаш бўйича алоҳида милиция батальони ташкил этилди.

Бутун дунёда глобал муаммага айланган гиёҳвандликка қарши кураш, портловчи моддалар, портлатиш воситалари, қурол-яроғ ҳамда ўқ-дориларни қидириб топиш борасида Кинология хизматининг чексиз имкониятларига эътибор бериб, ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган талаблардан келиб чиққан ҳолда 2000 йил 31 июль кунини Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизда кинология хизматини ривожлантириш чора-тадбирларига оид қарори қабул қилинди.

Натижада жойларда «Хизмат итлари питомник»лари тарихида алоҳида хизмат йўналишлари бўйича бўлим ва бўлинималар ташкил этилди. Уларнинг моддий-техника таъминоти-ни мустаҳкамлаш, кинология ходимлар ва хизмат итлари учун зарур шарт-шароит яратиш, ходимларнинг билими ва касб маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бош бошқарма тарихидаги карантин тадбирларини таъминлаш бўйича милиция саф бўлинималари раҳбарлик қилиш бўлими республикамизда карантин тадбирларини ўтказишда ветеринария идораларига амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг Ветеринария давлат бош бошқармаси билан ҳамкорликда ҳайвонларда учрайдиган юқумли касалликларнинг мамлакатимизга кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида карантин тадбирларини ўтказди. Бўлим ходимлари ветеринария ва санитария органларига бозорларда мол, парранда, гўшт, сўт ва бошқа чорва маҳсулотлари савдоси чоғида ветеринария-санитария қондаларига риоя этилишини назорат қилишда кўмаклашди. Бозорларда, қўчаларда, ҳовлиларда, боғларда ва бошқа жамоат жойларида ветеринария, санитария қондаларига риоя этилишини текшириш бўйича рейдлар ўтказди. Чорва молларининг уй шароитида сўйилишига, шунингдек, тегишли ветеринария ҳужжатларисиз гўшт, гўшт ва сўт маҳсулотлари сотилишига йўл қўйилмаслигини назоратла олади.

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг бошқа соҳавий хизматлари ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари аъзолари билан бирга мамлакатимизнинг йирик шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларида, боғу сайилгоҳларида жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси томонидан пиёда патруллар ва автотруллар йўналиши ташкил этилган.

Бундан ташқари, жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш, оммавий тадбирлар давомида фойдаланиш мақсадида Андижон ва Наманган вилоятларида патруль-пост хизматининг отлик отрядлари ташкил этилган.

Осоийшталик посбонларининг касб маҳоратини, жанговар ва хизмат тайёргарлигини ошириш учун ҳар йили жойларда семинарлар, махсус тактик машқлар, мусобақалар ўтказилади. Ушбу тадбирлар чоғида фахшулода вазиятларда тез ва тўғри ҳаракат қилиш, бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлик бўйича амалий кўникмалар мустаҳкамланади.


Ўтган йиллар давомида Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси кўчи тузилмаларининг 116 нафар ходими ҳуқуқ-тартиботи мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун Ватанимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 21 июнь кунини қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари Патруль-пост хизмати бўлинималарининг масъулияти ва фаолияти самарадорлигини оширишга доир қарори патруль-пост саф бўлинималари томонидан жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштиришга, маҳаллий ҳокимият, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот хизмати



# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



## БЕКТЕМИР ТУМАНИ: РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



**Қутлуғ байрам арафасида Бектемир туманида Жанубий Корея давлати билан ҳамкорликда «Vaper Print» МЧЖ қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. 3600 кв.м. жойни эгаллаган бинонинг 1-қавати мукамал таъмирланиб, Жанубий Корея ҳамда Туркия давлатларидан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланди.**

Хозирда бу ерда «GM-Uzbekistan» қўшма корхонаси автомобиллари учун эмблема, ёзув ҳамда белгилар ишлаб чиқарилмоқда. Икки сменада фаолият кўрсатаётган 40 дан ортиқ ишчи-ходимлари бўлган корхонада яқин кунларда яна 30 дан ортиқ иш ўринлари ташкил этилиши режалаштирилмоқда. Корхонада ходимларнинг ишлаши ва дам олиши учун барча қулайликлар яратилган. Ошхона, кийиниш ҳамда ювиниш хоналари шулар жумласидандир.

## ЯНГИ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Мазкур корхонада бир нечта цех ишлаб турибди. Иш жараёни термoplast цехидан бошланади. Мазкур цехнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бу ерда машиналар учун турли хилдаги эмблема, ёзувлар мамлакатимизда биринчи марта АБС ҳамда акрил хом ашёсидан фойдаланиб ишлаб чиқарилади. АБС маҳсулотлари гальваника цехига, акрил маҳсулотлари эса вакуум бўёқ цехига олиб ўтилиб, юзасига ранг берилади. Шундан сўнг маҳсулотлар қадоқлаш цехига узатилади. Бундан ташқари корхонада эмблемаларни автомобилларга бириктиришда ишлатиладиган 3-М ленталарини кесиш, шунингдек, гальваника ванналаридаги эритмаларнинг концентрациясини текшириб турувчи лаборатория ҳам мавжуд.

**«Мустаҳкам оила йили»да маҳаллалар зиммасига ўта маъсулликни вазибалар юкланди. Биламизки, оиланинг мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан маҳаллага боғлиқ. Оилани жамиятнинг бир бўлаги сифатида тавсифлар эканми бу борада маҳаллалар фаолияти муҳим аҳамият касб этишини англаш қийин эмас.**

Тумандаги «Миришкор» маҳалласида бугунги кунда 3650 нафар аҳоли истиқомат қилади, шундан 980 нафари ёшлардан иборат. Маҳалла фуқаролар йиғини ҳар соҳада аҳолига яқиндан ёрдам кўрсатиб, юзага келадиган муаммоларни тезда ҳал этишга ҳаракат қилади.

камлашга интиламиз, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар доим диққат эътиборимизда, — дейди «Миришкор» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Усмонжон Раҳимов. — «Ўз уйингни ўзинг асра», «Покизалик — остонангдан бошланади», «Соғлом турмуш — баркамол авлод гаровидир» шiorлари

## ЯҚИН ҲАМКОР

остида ўтказиб келинаётган турли-туман тадбирлар, давра суҳбатлари ҳам ўз самарасини бермоқда. Маҳаллада ҳар шанба — озодалик кунларида ободонлаштириш ишларига қатнашувчилар сони ортиб бормоқда. Улар ҳамжихатликда худуднинг тоза, батартиб бўлишига доим интилишади. «Куч — бирликда» деганларидек, кейинги пайтларда маҳаллада 2 мингдан ортиқ меваги, шунчага яқин терак дарахлари, 35 мингдан ортиқ турли хилдаги хушбўй гуллар экилди, тез-тез ариқлар тозаланиб, бордюлар оқланмоқда. Ушбу ишларнинг самараси ўлароқ эришилган натижаларни кўриб кўзингиз кунайд.

Маҳаллада «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ўтказиладиган фаоллар иштирокидаги учрашув, давра суҳбатларида қизларни эрта турмушга бермаслик, ёшларни спортга жалб этиш, коллеж ва лицей битирувчиларини иш билан таъминлаш, тўй-ҳашам ва маросимларни ихчамлаштириш каби долзарб масалалар муҳокама этилмоқда. Бунда, айниқса ёшларни иш билан бандлигини таъминлаш масаласига муҳим эътибор қаратилмоқда. Чунончи, туман бандликка кўмаклашиш маркази кўмагида маҳалла худудидagi 120 нафар ишсизлардан 103 нафари иш билан таъминланди. Шунингдек, 64 нафар коллеж ва лицей битирувчиларининг 42 нафари ишга жойлашган бўлса, 22 нафари олий ўқув юртига, мактаб битирувчиларининг барчаси эса касб-хунар коллежи ҳамда академик лицейларга ҳужжат топширган.

— Ҳар бир хонадонга кириб бориб, оилалар билан муносабатларни мустаҳ-


камлашга интиламиз, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар доим диққат эътиборимизда, — дейди «Миришкор» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Усмонжон Раҳимов. — «Ўз уйингни ўзинг асра», «Покизалик — остонангдан бошланади», «Соғлом турмуш — баркамол авлод гаровидир» шiorлари

болалар майдончалари қайта таъмирдан чиқарилди. Худудда 12 турдаги замонавий аттракцион ва бир қанча бошқа турдаги аргимчоқлари бўлган «Кўёшча нури» номли боғ маҳалланинг кўрки, болажонларнинг севимли масканига айланиб улгурди. Ушбу боғ ўтган йили хусусий тадбиркор Фурқат Қаландаровнинг саъй-ҳаракатлари билан 1,6 гектар ерга қуриб битказилган. Эндиликда турли байрам тадбирларида бу ерга бошқа маҳаллалардан ҳам оилалар келиб мароқли ҳордиқ чиқаришмоқда. Эътиборлиси шундаки, ушбу боғдаги барча аттракционлардан кам таъминланган оила фарзандлари ҳафтада 2 марта бепул фойдаланиш имконига эгалар.

Бу ерда ишнинг кўзини биладиган бир қанча тадбиркорлар борки, улар маҳалланинг энг ишончли суянчиги, ҳамкорига айланган. Эътиборга лойиқ томони шундаки, ана шундай маҳалла тадбиркорларидан бир нечтаси миллий либос, касаначилик, гиламчилик, каштачилик, зардуўлик каби йўналишларда ҳар ойда кам таъминланган оила фарзандларининг 5 нафарини хунарга ўргатишмоқда.

Маҳалла фаоллари ҳар бир хонадон соҳиблари билан учрашиб, қиш мавсуми олдиндан қилиниши лозим бўлган ишларни келишиб олишди. Айни пайтда маҳалла худудда жойлашган 34, 35, 36, 37, 38, 39-сонли кўп қаватли уйлар капитал таъмирдан чиққан бўлса, бу жараён 29А ва 51-уйларда давом этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Миришкор» тумандаги ҳар жабҳада илгор маҳаллалардан бири саналади. Маҳалланинг бундан кейинги фаолиятида ҳам ютуқлар тилаб қоламиз.



## РЕЖАЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

**Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида профилактика хизматини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида Бектемир туман тиббиёт бирлашмаси ва унинг қoшида туман марказий кўп тармоқли поликлиникаси ташкил этилиб, 2008 йил 16 июнда ўз фаолиятини бошлади.**

Туман тиббиёт бирлашмаси бугунги кунда кундузги уй шароитидаги шифохона сифатида радиуси 15 км. бўлган худуд аҳолисига беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда. Тиббиёт бирлашмаси бир сменада 450 катновга мўлжалланган марказий кўптармоқли поликлиника ҳамда 75 та катновга мўлжалланган «Бинокор» маҳалласидаги поликлиника бўлимларини ўз ичига олади.

Марказий кўп тармоқли поликлиникада рентген, лаборатория диагностикаси хоналари, ультратовуш, электрокардиография текширувлари, даволash ва физиотерапия ва бошқа турдаги муолажалар аҳоли учун хизмат қилиб турибди.

2012 йилнинг биринчи ярмида шифокорларга умумий катнов 157649 тани ташкил қилди. Бу кўрсаткич ўтган йил билан солиштирганда, 18849 тага камайган. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, тиббиёт бирлашмаси аҳоли учун сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда туманда юқумли касалликлардан дифтерия, қорин тифи, менингит, қизилча ва бруцеллез хасталиклари рўйхатга олинмади, сальмонеллез, педикулёз касалликларини камайитиришга эришилди. Аҳоли саломатлигини таъминлашда бундай натижаларга

эришилишида тиббиёт масканларида ўз вазифасига маъсулиятли, жонқуяр ходимларнинг фаолият кўрсатаётганлиги муҳим омил бўлмоқда.

Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш соғлом авлодни шакллантириш борасида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлинида аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилашга қаратилган ишларни мувофиқлаштириш ва мониторингини ўтказиш учун туман тиббиёт бирлашмасида худудий штаб ташкил этилган бўлиб, бу ерда олиб бориладиган ишлар тахлили ўтказилмоқда. Камчиликлар ўрганилиб, келгусида қилинадиган ишлар режаси тузилган. Амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлар натижасида аниқланган касалликларни ўз вақтида даволash билан оналар ва гўдаклар ўлимининг олди олинмоқда. Поликлиникада экстрагенитал хасталиклар бор ҳомиладор аёлларни соғломлаштиришда ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда. Тахлиллар шуни кўрсатадики, 2011 йилнинг биринчи ярмида туман бўйича туғруқ ёшидаги аёлларни соғломлаштириш 96,2 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг мос даврида бу натижа 100 фоизга кўтарилган.

## СПОРТГА ОШНО ЁШЛАР

Натижада туман болалари-га спорт билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Хозирда спорт мажмуасига қатнаётган ўсмир ва қизларнинг сони беш юзга яқинлашиб қолди. Улар ўзлари танлаган спорт турлари бўйича сабоқ олишмоқда. Масалан, футбол бўйича 218, бокс бўйича 186, спортнинг таэквандо (ВТФ), баскетбол ҳамда бадий гимнастика турлари бўйича 24 нафардан ёшлар шуғулланиб келади. Бокс бўйича Ф.Пак ҳамда бадий гимнастикадан К.Исмоилова каби малакали мурабийлар сабоғини олган ёшлар бугун спорт мусобақаларининг туман, шаҳар ҳамда республика босқичларида

**Бектемир туманида жойлашган 24-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мустақилликнинг илк йилларида ўз фаолиятини бошлаган. Ушбу мактаб худудда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташаббуси билан 2008 йили спортнинг мини-футбол, баскетбол, бокс, таэквандо (ВТФ) ҳамда бадий гимнастика каби турлари билан шуғулланиш имконини берувчи Бектемир ёпиқ спорт мажмуаси ишга туширилди.**

юқори натижаларни қўлга киритишмоқда.

Жонқуяр устозлардан бири, футбол бўйича 1-тоифали мурабий А. Лошинин билан суҳбатлашдик.

— Шу йил май-июнь ойларида мажмуамизда 13 ёшли болалар ўртасида С.Стадник хотирасига бағишланган халқаро футбол мусобақаси

бўлиб ўтди — дейди А.Лошинин. — Унда мамлакатимиз ҳамда Қозоғистон Республикасида келган 10 та жамоа иштирок этди. Мазкур турнирда мажмуамиз футбол жамоаси 2-ўрин соҳибига айланди.

Мурабийнинг саъй-ҳаракатлари натижасида жамоа бундан бир ой олдин Қозоғис-

тоннинг Зеренда шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда ҳам 3-ўринни эгаллади. Ушбу мусобақада Ўзбекистон, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон давлатларининг 12 та жамоаси иштирок этганини ҳисобга олсак, жамоа ёшлари қўлга киритаётган натижалар борган сари мустаҳкамланиб бораётганига гувоҳ бўламиз.



### БАРКАМОЛЛИК МАСКАНИ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 206-мактабгача таълим муассасаси таълим-тарбия ишлари юқори савияда олиб борилаётган масканлардан.

Муассасада 667 нафар тарбияланувчи ва 4 бошланғич синфда 100 ўғил-қиз таълим-тарбия олмақда. Бу ерда болаларнинг жисмоний ҳамда маънавий баркамол бўлиб вояга етиши учун барча шароит яратилган.

Музыка, санъат, бадий гимнастика, ҳунармандчилик йўналишларида ўндан ортқ тўғарак фаолият кўрсатмоқда.

Мухаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар

Ўзбекистон спорт делегацияси XXX ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун 24 июль кунин Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрига жўнаб кетди.

### «Олимпиада — 2012»

## ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЛОНДОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Тошкент халқаро аэропортида спортчиларимизни Олимпия ўйинларига тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари, спорт жамоатчилиги вакиллари, спортчиларнинг ота-оналари, оммавий ахборот воситалари ходимлари йиғилди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортни ривожлантириш, халқаро майдонларда Ватан шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган ёш иктидор эгалларини тарбиялаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти ҳамда уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт ўйинлари навқирон авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишига хизмат қилиш билан бирга, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишига қодир ёшларни тарбиялашга ҳам хизмат қилмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаган замонавий спорт мажмуалари, спорт саройлари, стадионлар, гимнастика марказлари, кортлар доимо ўғил-қизлар билан гавжум.

— Мустақиллик шарофати билан ўзбекистонлик спортчилар жаҳон майдонларига дадил чиқмоқда ва зафар кучмоқда, — дейди бокс бўйича жаҳон чемпиони совриндори, Осиё ўйинларининг икки карра ғолиби Элшод Расулов. — Халқаро майдондаги нуфузли мусобақаларда, хусусан, Олимпия ўйинларида қатнашаётган ҳар бир спортчимиз ортда ўзини мана шундай юксак даражага етказган Ватанимиз, халқимиз турганини, яратилаётган шароитларнинг барчаси истиклолимиз шарофати эканини чин дилдан ҳис қилади. Мана шу туйғу биз, спортчиларга куч-қувват ва ишонч бағишлайди. XXX ёзги Олимпия ўйинлари ҳам Ўзбекистон спортчилари учун самарали бўлиши шубҳасиз. Мен ҳам Лондон Олимпиадасида муваффақиятли иштирок этиб, Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламан. Олимпиячиларимиз халқимизнинг Энг улуг, энг азиз байрами — Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик шодиёнасига муносиб совғалар тайёрлашига ишончимиз комил.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов, Буюк Британия ва Шимол-Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Факултетида ва муҳтор элчиси Р.Жой соўда чиқди.

Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎЗА муҳбири

### Футбол

## ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Бразилияда 2014 йилда футбол бўйича уюштирилаётган жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг тўртинчи ҳал қилувчи босқичини муваффақиятсиз бошлаган Ўзбекистон миллий терма жамоаси 11 сентябрда Тошкентда Жанубий Корея миллий терма жамоаси билан куч синашади.

Жаҳон чемпионатига саралаш турнири тўртинчи босқич беллашувларига тайёргарлик доирасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси бирор марта бошқа терма жамоа билан назорат-ўртоқлик баҳсида куч синашгани муҳлислар эътирозига сабаб бўлгани ҳам айни ҳақиқат. Ўзбекистон футбол федерацияси жаҳон чемпионатида саралаш турнири тўртинчи босқичида миллий терма жамоамиз муваффақиятга эришиши учун хоржий давлатлар терма жамоалари билан ўртоқлик учрашувларини уюштиришга ҳаракат қилапти. Жанубий корейлик чарм тўп усталарига қарши ўтадиган саралаш турнири учрашуви олдида Миржалол Қосимов шоғирдлари аввал иорданияликлар билан ўртоқлик ўйинида куч синашишса, 7 сентябрь кунин Тошкентдаги «Пахтакор» марказий стадионида Кувейт мил-

лий терма жамоасини назорат-ўртоқлик баҳсида қабул қилишади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Кувейт-Ўзбекистон миллий терма жамоалари 2011 йилги Осиё чемпионатида саралаш турнирида бир гуруҳдан ўрин эгаллашган, 2:1 ҳисобида зафар қучган ҳамюртларимиз гуруҳда биринчи ўринни эгаллаб, кейинги босқичга йўлланма олишган эди. Жорий йилнинг 17 январидида Ўзбекистон-Кувейт терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви уюштирилган ва унда 1:0 ҳисобида кувейтликлар зафар қучган. Умуман олганда, ҳар икки терма жамоа ўзаро беш мартаба куч синашган, бир ўйин дуранг билан якунланган бўлса, томонлар икки мартадан ғалаба қозонган, тўплар нисбати 9:9.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

Киши ўз соғлиғидаги жиддий ўзгаришларни сезиб, вазиятдан чиқиб кета олмай дарҳол «103» хизматига эҳтиёж сезади. Бу ҳар биримизда кечадиган ҳол!

## ТЕЗКОР ФАОЛИЯТ ВА ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Тезкор фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари меҳнатининг қанчалик мураккаб эканлиги ўз ўзидан кўриниб турибди.

Маълумот учун шунини айтиш жоизки, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси пойтахтимизнинг кўп сонли аҳолиси ҳамда меҳмонларига хизмат кўрсатмоқда. Бир кеча-кундуз мубайнида

2 мингдан 3 мингга яқин чақирувлар қабул қилиниб, шаҳардаги жами 12 та тез тиббий ёрдам бўлимларига тарқатилади. Чақирувлар асосан кечки соатларни ташкил этади.

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси матбуот хизмати маълумотига кўра, станция 12 та бўлим билан бевосита боғ-

ланиб тезкор фаолият юритмоқда. Марказий нозимхонадан олинган чақирувлар ўз вақтида туманлардаги бўлимларга тарқатилади. Чақирувлар бир вақтнинг ўзида компьютерда ёзиб олинади. Бунинг афзаллиги шундаки, алоқа носозлиги сезилганда сақлаб қолingan телефон рақами компьютер хотирасидан олинмиб, бемор билан қайта боғланиш имконияти яратилади.

Кейинги йилларда 90 га яқин янги машина олинди. Кореядан келтирилган «Хундай» русумли 14 та тез ёрдам машиналаридан ҳам фойдаланилмоқда. Станциянинг ҳозирда қисмида биринчи ёрдам учун керакли барча дори-дармонлар етарли эканлигини ҳам айтиб ўтишни лозим деб топдик.

Гулшан ҚУРБОНОВА

Тошкент вилоятининг баҳаво, сўлим масканларида жойлашган болалар оромгоҳлари бу йилги мавсумда ҳам анча гавжум. Шу боис, жажжи болажонларимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, уларнинг мазмунли дам олишлари учун республикамиз ҳукумати ҳар йили мавсум олдида ҳордиқ масканларини мактаб ўқувчилари учун шай ҳолатга келтириб, барча шароитларни яратишга ҳаракат қилапти.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг 2012 йил 14 мартдаги буйруғи, Тошкент шаҳар ҳокими ва Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раёсатининг 2012 йил 9 ва 12 март кунларидаги «Ёзги таътил кунларида мактаб ўқувчиларини дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарорлари талабларини бажариш юзасидан Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти ҳудудида жойлашган йигирмадан ортқ ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳларини дам олиш мавсумига тайёрлаш ва уни ўтказиш даврида хавфсизликни таъминлаш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштириш мақсадида қатор тадбирлар ишлаб чиқилди.

Яқинда Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари мажлислар залида ва Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказида «2012 йилнинг ёз мавсумида Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳудудларида фаолият олиб боруви барча болалар соғломлаштириш оромгоҳларида юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда оқибатларини бартараф этишда тўғри қарор қабул қилиш, болаларни хавфсиз жойларга эвакуация қилиш ишларини ташкил этиш, фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш масалалари юзасидан барча оромгоҳ раҳбарларини 21 соатлик ўқув дастури

асосида тайёргарликдан ўтказиш» ҳамда «Сув хавзаларида чўмилиш қоидаси — саломатлик ва хавфсизлик гарови» мавзуларида ўқув семинар ва дастур асосида оромгоҳлар раҳбарлари тайёргарликдан ўтказилди.

Ўқув семинарида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазият-

### Ёз — ўтмоқда соз

## Кўнгилли ҳордиқни таъминлаш йўлида

лар бошқармаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Халқ таълими бошқармаси, ИИББ Ёнгин хавфсизлиги, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари, Тез тиббий ёрдам хизмати, Давлат санитария эпидемиология назорати маркази, Тошкент шаҳар Қасаба уюшмалари бирлашмаси Кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, пойтахт ҳудудида жойлашган барча дам олиш масканлари очик ва ёпиқ сув хавзалари раҳбарлари иштирок этишди.

Ўқув семинарида асосий эътибор мавжуд сув хавзаларида юзага келиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар

билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш борасидаги профилактик чора-тадбирларнинг амалга оширилишини шахсан биринчи раҳбарлар зиммасига юклатиш, сув хавзалари ва чўмилиш жойларида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, жойларда туман бошқарув органлари ва раҳбарлар таркибига улар томонидан табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар содир бўлганда фуқаро муҳофазаси тадбирларини режалаштириш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича назарий ва амалий қўникмаларини ҳосил қилишга қаратилди.

Юқоридаги тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси масъул ходимлари томонидан 2012 йилнинг ёз мавсумида Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳудудида фаолият олиб боруви барча болалар соғломлаштириш оромгоҳлари раҳбарлари билан оромгоҳларда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда оқибатларини бартараф этишда тўғри қарор қабул қилиши, болаларни хавфсиз жойларга эвакуация қилиш ишларини ташкил этиш, фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш масалалари бўйича Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказида 21 соатлик махсус ўқув дастури асосида тайёргарликдан ўтказилди ва тингловчиларга гувоҳномалар топширилди.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ, жорий йилнинг 15-20 июнь кунлари барча болалар соғломлаштириш оромгоҳларида «Ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва содир бўлганда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш, болаларни хавфсиз дам олишларини таъминлаш» мавзусида семинар ва «Фуқаро муҳофазаси кунин» ҳамда болалар ўртасида «Ёш кўтқарувчилар» мусобақалари ўтказилди.

Азамат СУЙОНОВ



## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ёмон бир нишини санчмай қўймайди.

Тушунмаган билан талашиш беҳуда.

Бошқаларни муҳокама қилиш осон.

Таъмагир таъма қилмай туролмайди.

Бировнинг иродасини синашнинг ҳам чек-чегараси бор.

Фикр — меҳнат, хаёл — ҳордиқ.

Ким билмайди, ким қилмайди.

Одам боласи ўзи учун ҳам яшаши керак.

Одамлар бировнинг ҳаётини тузишдан кўра кўпроқ бузадилар.

Ўзинга муносиб ҳаётни ўзинг учун ўзинг яратасан — ҳеч ким уни сенга яратиб бермайди.

Уддабурон одамга ишонса бўлади.

Нодоннинг эътиқоди кўр-кўрона бўлади.

Ҳовлиқиб яшаганнинг умри қисқа бўлади.

Нафс кишини бировнинг олдида муттаҳам қилади.

Баҳсу жанжал ақлнинг камлигидан.

Доно овозини кутармайди.

Сени тушунмаган ва қабул қилмаган даврада ҳақлигини исботлашга беҳуда уринма.

Вақт ҳаммасини ўз ўрнига қўяди.

Ўлимни кутиб ётиш эмас, яшаш учун курашиш керак.

Одамлар сен ҳақингда ўзингдан ҳам кўп маълумотга эга эканлигини ҳеч қачон унутма.

Олим ақлига, шоир кўнглига бас келолмайди.

Ўқиган эмас, фикрлаган ўсади.

Муҳаббатнинг нафратга айланиши осон, лекин нафрат ҳеч қачон муҳаббатга айланмайди.

Инсоннинг ожизлигини ҳеч нарса яширолмайди.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



Ҳарорат кечаси — 21-23, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати мавсумига кўра, 26 июлда

Тошкент шаҳрида 26 июль кунини ҳаво бир оз ўзағиб турди, қисқа муддатли ёмғир ёғи эҳтимоли бор. Шарқдан гарба томон секундида 5-10 метр тезликда, кунайсан ҳада секундида 12-17 метр тезликда шамол эсиши мумкин.

Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқали кетишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фойз пасайиши тахмин қилилмоқда, тағжирдорни паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълолар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИСА: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 741

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5102 нухсада босилди.

Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Тошпириш вақти: 13.00

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 15.00

Бosh муҳаррир Акмал АКРОМОВ